
ФУРҚАТ ТУМАНИДА 20 НАФАР БОЛАЖОННИНГ СУННАТ ТҶИИ ЎТКАЗИЛДИ

Инсон қадрини улуғлашга қаратилган хайрли тадбирлар йил бошиданоқ Фарғонада кенг қулоқ ёзди. Хусусан, бугун Фурқат туманидаги “Наво” тантаналар мажмуасида Фурқат туманида истиқомат қилувчи 15 нафар ва Данғара туманида яшовчи 5 нафар “Темир дафтар”га киритилган фуқароларнинг фарзандлари учун суннат тўйлари ўтказилди.

Вилоят ва туман ҳокимликлари, вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида амалга оширилган хайрли тадбир, айниқса, ота-оналар ва болажонларнинг яқинларига бир олам қувонч улашди.

Тантанада сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари – вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Холиқов келажагимиз эгаларига эътибор Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда асосий ўрин тутаётганини таъкидлади. Аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ҳамда хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлашга Фарғонада ҳам катта эътибор қаратилаётганлигини айтиб ўтди. Тўйлари ўтказилаётган болажонлар орасидан келгусида етук фидойи инсонлар етишиб чиқишига ишонч билдирди.

Шундан сўнг тўй болаларнинг ҳар бирига давлат идоралари ва ҳомийлар томонидан тайёрланган бош-оёқ сарпо, турли ўйинчоқлар ҳамда велосипедлар совға қилинди.

Туман маданият бўлими ижодкорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-01-09 19:33:18